



ЎЗБЕКИСТОНДА ПОСТИНДУСТРИАЛ ЖАМИЯТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

Мухаммедова Зарина Муродовна
СамаИСИ докторанти

Аннотация: мақолада мамлакатимизда постиндустриал жамиятни шакллантириш истиқболлари ёритилган. Шунингдек, постиндустриал жамиятга хос бўлган хусусиятлар келтирилган.

Калит сўзлар: хизматлар соҳаси, постиндустриал жамият, постиндустриал жамият хусусиятлари, инсон тараққиёти индекси.

Постиндустриал жамиятда хизматлар соҳаси миллий иқтисодиётнинг нафақат етакчи секторига айланиб, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётидаги аҳамияти кескин ошади, балки унинг моҳияти ҳам такомиллашиб, ўзига хос хусусиятлари пайдо бўлади. Тадқиқот мавзусининг моҳиятидан келиб чиққан ҳолда, хизмат кўрсатиш соҳасининг постиндустриал жамиятга хос хусусиятларини аниқлашга уриниб кўрдик. Айтиш пайтда, Ўзбекистоннинг постиндустриал жамиятга ўтиш имкониятларини ҳам асослаб бердик.

Бугунги кунда Ўзбекистон кенг қўламли иқтисодий ислохотлар стратегиясига мувофиқ ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг ўта муҳим ва ўта мураккаб босқичини бошидан кечирмоқда. Келажакда мамлакатнинг иқтисодий салоҳиятига мос ва меҳнатсевар халқининг интилишларига муносиб ҳаёт тарзини шакллантириш, асосий макроиқтисодий кўрсаткичлар бўйича уни ривожланган мамлакатлар қаторига яқинлаштириш бўйича пухта ўйланган, истиқболли сиёсат амалга оширилмоқда. Шу муносабат билан Янги Ўзбекистон олдида тараққиётнинг илғор истиқболли моделларини қўллаш ва оғишмай уни ҳаётга тадбиқ этишдек масъулиятли вазифа турибди.

Ижтимоий-иқтисодий тараққиётнинг замонавий доктриналари таркибида постиндустриал жамият назарияси алоҳида ўрин тутди. Шу сабабли, дунё мамлакатлари постиндустриал жамият куришни орзу қиладилар, унга томон астойдил ҳаракат қиладилар. Ўйлаймизки, Янги Ўзбекистон учун ҳам мамлакатни постиндустриал даражасига олиб чиқиш, ушбу тоифадаги мамлакатлар сафидан муносиб ўрин олиш давлат макроиқтисодий сиёсатининг марказий йўналишига айланмоғи лозим. Бизнингча, айнан постиндустриал жамият куриш давлат ва кенг халқ оммаси манфаатларига тўла хос келадиган Янги Ўзбекистон постиндустриал жамиятни шакллантириш ғоясини ҳаётга тадбиқ этиш, хизмат кўрсатиш соҳасининг



юқорида қайд этилган ўзига хос хусусиятларини қарор топтиришни тақазо этади.

Янги Ўзбекистонда келажакда постиндустриал жамиятни шакллантириш борасидаги имкониятларини баҳолаш мақсадида кейинги йилларда хизматлар соҳаси иқтисодиётида содир бўлган жараёнларнинг ўзгариш суръатларини таҳлил қилдик ва ривожланиш тенденцияларини аниқлашга ҳаракат қилдик.

Постиндустриал жамиятда хизматлар соҳасининг ўзига хос хусусиятларини очиб беришда жамият тараққиётининг ушбу босқичига аллақачон ўтган, постиндустриал жамиятда яшаш бахтига муяссар бўлган, иқтисодиёти устун ривожланган Ғарб давлатлари, АҚШ, Канада, Япония каби мамлакатларнинг илғор тажрибасини асос қилиб олдик. Манбаларда макроиқтисодий кўрсаткичлари постиндустриал жамият мезонларига мос келадиган 15 мамлакат постиндустриал жамият тоифасига киритилган.¹ Лекин, аслида, бизнинг ҳисоб-китобларимизга кўра, бугунги кунда, бундай давлатлар тоифасига дунёнинг 30 дан зиёдроқ мамлакатларини киритиш мумкин ва улар сони вақт ўтган сайин тобора кўпайиб бориш тенденциясига эга.

Назарий тадқиқотлар жараёнида ўз мамлакатада постиндустриал жамиятни шакллантирган давлатлар тажрибасини ўрганиш ҳамда макроиқтисодий кўрсаткичларини таҳлил қилиш асосида хизмат кўрсатиш соҳасининг постиндустриал жамиятга хос бўлган қуйидаги хусусиятлари мавжуд деган хулосага келдик.

Биринчи хусусияти. Хизматлар соҳасида ишлаб чиқарилган ЯИМ ҳажмининг мамлакат ЯИМ ҳажмидаги улушининг юқорилиги. Мутахассисларнинг фикрига кўра, постиндустриал жамиятда мамлакат ЯИМ таркибида хизматлар соҳасида яратилган маҳсулотнинг ҳажми 50 % дан юқори бўлиши керак.² Мазкур масала бўйича ҳолатни аниқлаш мақсадида амалга оширилган тадқиқотлар ушбу кўрсаткич бўйича дунё мамлакатлари орасида Люксембург пешқадамлик қилмоқда (78,9 %), Буюк Британияда у 70,9 % ни, Сингапурда 70,8 % ни, АҚШда 78,0 % ни, Хитойда 52,8 % ни ташкил этган. МДҲ давлатларидан Россияда 53,8 % ни, қўшни Қозоғистонда 51 % ни ташкил этган. Айни пайтда, у Ўзбекистонда сезиларли даражада паст – 35,6 %. Боз устига Ўзбекистонда ушбу кўрсаткичнинг ўсиш суръатлари ҳам тегишли даражада юқори эмас: 2022 йилда 2000 йилга нисбатан мамлакат ЯИМда хизмат кўрсатиш соҳасининг улуши атиги 4,3 пунктга ёки 11,5 % га

¹ Постиндустриальные страны список // <https://obrazovaka.ru/question/postindustrialnye-strany-spisok-133642>

² Общемировые тенденции развития сферы услуг // <https://www.google.com>.



ошган. Айти пайтда ушбу кўрсаткич Саудия Арабистонида 30,7 пунктга (76,3 %), Хитойда 13,1 пунктга (32,9 %), Сингапурда 10,2 пунктга (16,8 %), кўшни Қозоғистонда 5,7 пунктга (11,8 %) ошган.³

Иккинчи хусусияти. Хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлган аҳоли сонининг жами иқтисодиётда банд бўлган аҳоли сонидаги улушининг юқорилиги. Назарий изланишлар хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлганлар сонининг иқтисодиётда банд бўлганлар сонидаги улуши Финляндияда 77,2 % ни, АҚШда 76,8 % ни, Аргентина, Канада ва Норвегияда 76,8 % ни ташкил этганлигини кўрсатди.⁴ Постиндустриализм концепциясининг асосчиларидан бири Д.Белл хизматлар соҳасининг аҳоли бандлигини таъминлашдаги ролини куйидагича ифодалаган эди: “XX асрнинг бошида АҚШда ҳар 10 ишчидан фақат 3 нафари, қолган 7 нафари эса моддий ишлаб чиқариш соҳасида банд бўлган. 1940 йилга келиб ишчиларнинг ушбу нисбати ўзаро тенглашди. 1960 йилга келиб аллақачон 10 кишидан 6 таси хизматлар соҳасида меҳнат қилдилар. 1980 йилга келиб, ушбу соҳанинг ўсиб бораётганлигини инобатга олганда, ҳар 10 ишчидан қарийб 7 нафари хизмат кўрсатиш соҳасида банд бўлади”.⁵ Вақт иқтисодчи башоратининг тўғри эканлиги исботлади. Бугунги кунга келиб, ҳар 10 нафар иқтисодиётда банд бўлганларнинг қарийб 8 нафари хизмат кўрсатиш соҳасида ижтимоий фойдали меҳнат билан шуғулланмоқда.

Учинчи хусусияти. Аҳолининг турмуш даражасининг юқорилиги. Хизматлар соҳасининг ривожланганлик даражаси, унда банд бўлган аҳоли сони, кўрсатилган хизматларнинг сифати аҳоли турмуш даражасини шакллантиришнинг муҳим омиллари ҳисобланади.

Халқаро даражада мамлакат аҳолисининг турмуш даражаси инсон тараққиёти индекси асосида баҳоланади. Ушбу интеграл кўрсаткичнинг моҳиятига мувофиқ аҳоли турмуш даражасини шакллантиришда учта омил асосий роль ўйнайди: саломатлик, таълим ва даромад.⁶ Ушбу методологияга диққат билан эътибор қаратсак, аҳоли турмуш даражасидек ўта муҳим категорияни шакллантиришда учта омилдан иккитаси (саломатлик, яъни умр кўриш узоклиги ҳамда таълим) хизмат кўрсатиш соҳасига мансуб. Бундан, аҳоли турмуш даражасининг параметрларини шакллантиришда хизмат кўрсатиш соҳаси моддий ишлаб чиқаришга нисбатан муҳимроқ роль ўйнайди, деган хулоса чиқариш мумкин. Ушбу хулоса мамлакатимизда постиндустриал

³ ЎзР Давлат статистика қўмитасининг 2017-2022 йй. маълумотлари. // <https://stat.uz>

⁴ 20 стран мира с наибольшей занятостью населения в сфере услуг // <https://www.google.com/>

⁵ Bell D. The coming post-industrial society. Experience of social forecasting. М.: Academia. 1999.

⁶ Косьмин А.Д., Кузнецова О.П., Косьмина Е.А. Краткий обзор подходов к измерению // <https://www.researchgate.net/publication>



жамиятни шакллантиришда айнан хизмат кўрсатиш соҳасининг роли беқиёслиги хусусидаги хулосамизнинг тўғрилигини яна бир бор исботлайди.

Ўзбекистонда инсон тараққиёти индекси кўрсаткичининг ўсиш суръатлари ҳам жуда юқори эмас, у 2021 йилда олдинги йилга нисбатан атиги 0,006 пунктга ошган. Аини пайтда, ушбу кўрсаткич Азарбайжонда 0,015, Тожикистонда эса 0,021 пунктга ошган.

Ўзбекистонда яқин ва узоқ келажакда инсон тараққиёти индексини оширишнинг асосий йўналиши аҳоли даромадларини тез суръатлар билан кўпайтириш, деган хулосага келдик. Чунки, ҳозирги босқичда Ўзбекистон аҳоли жон бошига ялпи миллий даромад кўрсаткичи бўйича дунё мамлакатлари ўртасида мавқеи жуда паст, демак истиқболда уни ошириш имкониятлари жуда катта. Аҳоли жон бошига ЯИМ ҳажми бўйича дунёнинг 185 мамлакати бўйича рейтингда Ўзбекистон 150-ўринни (1504 долл.) эгаллади.⁷

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Akhmedova, A. T. (2023). THE ESSENCE OF SOCIAL ENTREPRENEURSHIP AND THE ROLE IN SOCIETY. *Miasto Przyszłości*, 42, 364-366.
2. Akhmedova, A. T. (2023). IMPACT OF BUSINESS ACTIVITY ON THE FINANCIAL RESULTS OF THE ENTERPRISE. *World of Scientific news in Science*, 1(1), 161-165.
3. Akhmedova, A. T., & Rasulovich, Z. J. (2023). PROBLEMS OF A COMBINED INSURANCE POLICY CIVIL LIABILITY. *EUROPEAN JOURNAL OF BUSINESS STARTUPS AND OPEN SOCIETY*, 3(12), 118-120.
4. Ахмедова, А. Т. (2023). ВЛИЯНИЕ ФИНАНСОВОГО МЕХАНИЗМА НА ПОВЫШЕНИЕ ЭФФЕКТИВНОСТИ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ МАЛОГО БИЗНЕСА И ПРЕДПРИНИМАТЕЛЬСКОГО СУБЪЕКТА. " Экономика и туризм" международный научно-инновационной журнал, 5(13).
5. Rasulovich, Z. J., & Akhmedova, A. T. (2022). Trends in the Economic Condition in the Conditions of the Recovery of Economic Activity. *International Journal on Economics, Finance and Sustainable Development*, 4(4), 57-60.
6. Akhmedova, A. T. (2021). Innovative strategic system management of the enterprise. *Academic Journal of Digital Economics and Stability*, 10, 52-55.
7. Ahmedova, A. T. (2020). System of innovative business strategic management of the enterprise. *Middle European Scientific Bulletin*, 4(2020), 10-13.
8. Akhmedova, A. T., & Shukhratovna, N. A. (2023). FINANCIAL ASPECTS OF DEVELOPMENT OF INNOVATIVE ACTIVITIES IN SERVICE

⁷ <https://ru.wikipedia.org/wiki/>



ENTERPRISES. American Journal of Public Diplomacy and International Studies (2993-2157), 1(8), 151-153.

9. Ахмедова, А. Т. (2023). ФИНАНСОВЫЙ АНАЛИЗ И ЕГО РОЛЬ В ОЦЕНКЕ ДЕЛОВОЙ АКТИВНОСТИ ПРЕДПРИЯТИЯ. Analysis of world scientific views International Scientific Journal, 1(2), 114-122.
10. Ахмедова, А. Т. (2023). ИНФРАСТРУКТУРА РАЗВИТИЯ ФИНАНСОВОГО РЫНКА В УЗБЕКИСТАНЕ. Analysis of world scientific views International Scientific Journal, 1(2), 123-129.
11. Мухаммедов, М. М., & Асланова, Д. Х. (2020). Экономическая политика Амира Тимура и развитие производительных сил Узбекистана в эпоху правления Тимуридов. Проблемы современной науки и образования, (5 (150)), 30-36.
12. Мухаммедов, М. М., & Исхакова, С. А. (2022). Усиление влияния материального стимулирования на конечные результаты труда научных работников. Экономика труда, 9(3), 639-654.
13. Шодмонов, Ш., Мухаммедов, М., & Камилова, Н. (2021). Экономическая теория. Учебник. Т.: Иктисодиет-Молия.
14. Muhammedov, M. M., Vafaev, I. B., & Murodov, S. F. (2021). Problems and Prospects of Agriculture in Uzbekistan. European Journal of Agricultural and Rural Education, 2(7), 15-17.
15. МУХАММЕДОВ, М. М., & ИСХАКОВА, С. А. (2023). ЗАНЯТОСТЬ КАК ВАЖНЕЙШИЙ ФАКТОР СОКРАЩЕНИЯ БЕДНОСТИ В УЗБЕКИСТАНЕ. ЭКОНОМИКА, 10(6), 951-965.